

Абдували ИСАДЖАНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
доценти, иқтисод фанлари доктори

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЭКОЛОГИК ЙЎНАЛТИРИЛГАН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УСТУВОРЛИКЛАРИ

Жаҳон ҳўжалик тараққиётининг объектив жараёни бўлган глобаллашув кўпгина ижобий хусусиятларга эга бўлиб, булар турли мамлакатларнинг ўзаро ҳўжалик алоқаларнинг янгилашуви, фан, техника ва технология ютуқларини айирбошлашнинг кучайиши ва шу тариқа давлатларнинг иқтисодий ривожланишига имкон яратилиши билан боғлиқдир.

Шу билан бирга, глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатлари Марказий Осиё мамлакатларининг тараққиётига халал берувчи бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, бунинг боиси: миллий иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётининг ташқи салбий таъсиридан ҳимояланмаганлиги; ташқи транспорт ва ахборот коммуникацияларининг ривожланмаганлиги, уларнинг жаҳон тармоқларидан узоқлиги билан боғлиқ қийинчиликлар; ҳўжалик фаолияти глобаллашувининг Марказий Осиёдаги экологик вазият ва атроф муҳитга таъсир этувчи салбий оқибатларидир.

Экологик муаммолар доирасида иқлим ўзгариши долзарб муаммолар қаторидан жой эгаллаган. Иқлим ўзгаришининг Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига таъсири эътироф этилмоқда. 1936 йилдан исиб бориш суръатини кузатиш шундан далолат

берадики, Қозоғистоннинг иқлими борган сари исиб бориши, бунинг устига ҳароратнинг кўтарилиши амалда ҳамма жойда йилнинг турли пайтида рўйхатга олинган. 1936 йилдан 2005 йилгача ҳавонинг ўртача ҳарорати ҳар 10 йилда 0,31°C га кўтарилган¹.

Қирғизистон Республикасида метеорологик маълумотларга биноан ўтган аср бошидан йиллик ўртача ҳарорат тахминан 0,8 ° С га кўтарилиб борганидан далолат беради².

Энг муҳим сув манбаларидан бири ҳисобланган Тянь-Шань тоғларидаги музликлар майдони сўнгги 50 йил ичида кескин қисқариб кетди. Айниқса, охириги 20 йил мобайнида ушбу жараён жадал суръатлар билан кечди³.

¹ Второе национальное сообщение по Рамочной конвенции ООН об изменении климата в Казахстане" для Конференции сторон Рамочной конвенции ООН об изменении климата (UNFCCC), 2009 год. <http://documents1.worldbank.org/curated/en/253441468292881800/pdf/855590WP0RUSSI00Box382174B00PUBLIC0.pdf> (дата обращения 12.07.2020).

² Профиль адаптации Кыргызской Республики к изменению климата, Портал знаний о климатических изменениях, http://sdwebx.worldbank.org/climateportal/b/home.cfm?page=country_profile&CCode=KGZ

³ Мэриэнн Фэй, Рэйчел И. Блок, Джейн О. Эбингер. 2009. Адаптация к изменению климата в Восточной Европе и Центральной Азии. Всемирный банк. <http://documents1.worldbank.org/curated/ru/253441468292881800/pdf/855590WP0RUSSI00Box382174B00PUBLIC0.pdf>

Қирғизистон иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан бири энергетикадир. У ички ҳамда айрим экспорт бозорларига электр энергиясини етказиб берувчи сифатида мамлакатни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг 87 фоизи ига яқини ички бозорга сарфланади, қолган 13 фоизи эса экспортга чиқарилади⁴. Мамлакатнинг электр қуввати ишлаб чиқариш имкониятининг катта ҳиссаси (тахминан 90 фоизи) гидроэнергетикага тўғри келади.

Тожикистонда ҳам 1940-2000 йиллар мобайнида ҳавонинг ҳарорати кўпгина туманлари ва баланд тоғли зоналарда 0,5 дан 1° С гача кўтарилди⁵.

Маълумки, ушбу мамлакат Марказий Осиёнинг асосий музлик марказидир. Музликлар мамлакат умумий майдонининг 6%га яқинини эгаллайди. Музликлар нафақат сув ресурсларини ўзида тутиб туради, балки дарё оқимлари ва иқлимни ҳам тартибга солади, Марказий Осиёнинг энг катта сув артерияси деб ҳисобланган Амударёни ва Орол денгизи ҳавзасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Агар музликларнинг ҳозирги кундаги таназзули суръати давом этаверса, дейилади Жаҳон банкининг ҳисоботида, Марказий Осиёнинг ва шу жумладан Тожикистоннинг кўпгина кичик музликлари 30-40 йилдан кейин батамом йўқ бўлиб кетади⁶. Ҳозирнинг ўзида Тожикистонда мингдан ортиқ музликлар эриб кетиш ҳолати эътироф этилмоқда⁷.

Бунинг натижасида иқлим ўзгаришлари гидроэлектр қуввати ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши, эҳтиёжнинг ва мавжуд инфратузилмага таҳдиднинг ортиши ҳисобига мамлакатда энергетика соҳасидаги аҳволнинг

келгусида ёмонлашишига олиб келиши кутилади.

Модомики, музликлар Марказий Осиёнинг асосий дарёларига сув оқиб келишини таъминлар экан, бу йўқотишлар барча минтақа мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсирини кўрсатиб килиш мумкин.

Туркменистон иқлими кескин континентал, ҳаддан ташқари қуруқ ва иссиқдир. Охирги йилларда, айниқса, баҳор ойларида ёғинлар миқдори бирмунча ортиб, ёзда эса камайиб бормоқда. Метеорология маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, 1950-йилдан бери ҳарорат 1,4°Сга оғишмай кўтарилган⁸.

2040-йилга келиб, атмосфера ҳавоси ҳароратининг бутун Туркменистон ҳудуди бўйлаб 2°С га кўтарилиши эҳтимоли бор. 2100-йилга келиб, ҳарорат кўтарилиши суръати янада ошиши мумкин⁹.

Ўзбекистонда ҳам иқлим ўзгариши жараёнлари ҳам кузатилмоқда. Башоратларга кўра, 2050-йилга келиб, дарё оқими Сирдарё сув ҳавзасида 2-5 фоизга, Амударё сув ҳавзасида эса 10-15 фоизга мос равишда қисқариши мумкин. Натижада, иқлим ўзгариши ҳосилнинг маълум даражада камайиб кетишига олиб келиши эҳтимоли бор, бу эса мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалиги таъминотида таҳдид солиши мумкин¹⁰.

Иқлим ўзгаришининг салбий таъсири иқтисодиётнинг бир қанча соҳаларига, айниқса, қишлоқ хўжалигига катта зарар етказиши мумкин (башоратларга кўра, 2050 йилга келиб, деярли барча экин ва қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлиги деярли 10-25 фоизга камаяди)¹¹.

⁴ Доклад по вопросам изменения климата в Кыргызской Республике, май 2013 года, Всемирный банк. <http://documents1.worldbank.org/curated/en/654301468263691515/pdf/855610WP0RUSSI00Box382174B00PUBLIC0.pdf>

⁵ Второе национальное сообщение Таджикистана на конференции сторон РКИК ООН, 2008. http://www.un-gsp.org/sites/default/files/documents/tajikistan_snc_russian.pdf

⁶ <http://www.worldbank.org/ru/news/feature/2014/11/23/climate-report-finds-temperature-rise-locked-in-risks-rising>.

⁷ Эмомали Раҳмон: За несколько десятилетий XX века в Таджикистане исчезло более тысячи ледников. <http://ca-news.org/news:1438510>

⁸ Информационная сводка по изменению климата Туркменистана на Портале знаний по изменению климата, http://sdwebx.worldbank.org/climateportalb/home.cfm?page=country_profile&CCode=TKM http://sdwebx.worldbank.org/climateportalb/home.cfm?page=country_profile&CCode=TKM

⁹ Второе национальное сообщение Туркменистана к Рамочной конвенции ООН об изменении климата (РКИК ООН), 2010. <http://documents1.worldbank.org/curated/en/436221468317053990/text/855640WP0RUSSI00Box382174B00PUBLIC0.txt>

¹⁰ Ўзбекистан. Обзор деятельности по проблемам изменения климата. Октябрь 2013 года.

¹¹ Sutton, William R., Jitendra P. Srivastava, James E. Neumann, Peter Droogers, and Brent B. Boehlert. Reducing

Марказий Осиё мамлакатлари ҳам иқлим ўзгаришига таъсирчанлик даражаси турлича. Иқлим ўзгариш оқибатлари натижасида катта зарар кўраётган мамлакатлар қаторида 2013 йилда Филиппин, Камбоджа ва Ҳиндистон қайд этилган бўлса, 1994 - 2013 йилларда эса Гондурас, Мьянма ва Гаити бўлган.

Марказий Осиёда Тожикистон (27 ўрин) ва Қирғизистон (72 ўрин) иқлим ўзгаришига бардош беришлик даражаси бўйича рисклари паст ва ўртача ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон эса 132 ўрин билан рисклари жуда паст мамлакатлар қаторидан жой олган (1-жадвал).

1-жадвал

**Марказий Осиё мамлакатларининг иқлим ўзгариш индекси
(1994-2013 йиллар)**

Рейтинг	Мамлакат	Балл	Йўқотишлар, АҚШ долл.(сотиб олиш пари- тети)		Ялпи ички маҳсулот бирли- ги бўйича йўқотишлар	
			1994-2013 йил- ларда ўртача	Балл	1994-2013 йил- ларда ўртача	Балл
126	Қозоғистон	127,67	18.16	133	0.006	166
72	Қирғизистон	82.33	15.85	135	0.125	98
27	Тожикистон	46.50	212.19	60	1.597	15
158	Туркменистон	169.50	0.01	176	0.000	176
132	Ўзбекистон	133.50	13.14	138	0.394	156

Манба: RDTA-8119 REG: Экономика изменения климата в Центральной и Западной Азии. Проект Азиатского банка развития. 44068-012. Техническое содействие исследования и развития (RDTA). Март 2016 г. С. 61.

Изоҳ: Глобал иқлим ўзгаришининг мамлакатларга таъсирчанлик (рисклари) даражаси рейтинги: “100+” – риск жуда паст; “51-100” – риск паст; “21-50” – риск ўртача; “11-20” – риск юқори; “1-10” – ҳавфли.

Трансчегара соҳасидаги муҳим вазифалар сифатида қуйдагиларни кўрсатиш мумкин:

экологик муаммоларни ҳал этиш, иш кучи ортиқча (Фарғона водийси) ва экологик аҳволи ноқулай (Орол бўйи) бўлган айрим ҳудудларда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақа мамлакатларининг кўптомонлама ҳамкорлигининг ривожланишини таъминлаш;

табiiй ва техноген характердаги фавқулудда вазиятлардан огоҳлантириш ва уларни бартараф этиш ишларини олиб бориш;

миллий ва минтақавий экологик мониторинг тизимининг ишига қўмаклашиш;

экологик ҳавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни қўриқлаш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш;

гидрометеорологик ахборотлар ҳамда табiiй муҳитнинг ифлосланиши тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ва уларни тарқатишнинг ягона тизимини шакллантириш ва самарали ишлашини таъминлаш.

Бу муаммоларни ҳал қилишда миллий дастурлар билан бир қаторда Марказий Осиё экологик ҳавфсизлик тизимини яратиш катта аҳамиятга эгадир ва қуйдагиларни унинг асосий вазифаси деб ҳисобламоқ керак:

экологик ҳавф кучли бўлган ҳудудларда экотизимнинг комплекс тикланишини;

ишлаб чиқариш соҳасининг саломатлик учун ҳавфсиз технологияга асосланиши, минтақада экотизим мониторингини ўтказиш ва экологик вазиятни прогнозлаштиришни таъминлаш.

the Vulnerability of Uzbekistan's Agricultural Systems to Climate Change: Impact Assessment and Adaptation Options. World Bank Study. Washington, DC: WorldBank. 2013. <https://elibrary.worldbank.org/doi/pdf/10.1596/978-1-4648-0000-9>

Ушбу вазиятда, миллий энергетика сиёсати ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ чоралар минтақа мамлакатларининг диққат-марказида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш масаласи турибди. Шу туфайли энергия самарадорлигини оширишни рағбатлантириш ва унинг тикланадиган манбаларидан фойдаланиш асосий вазифлардан ҳисобланмоқда ¹².

Марказий Осиё мамлакатларининг бир қатор ривожланиш стратегия, концепция ва дастурларида экологик вазиятни яхшилаш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, ривожланишни жадаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда экологик омилларнинг аҳамияти таъкидланади ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирлар амалага оширилмоқда, шу шумладан:

- табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳамда технологияларни татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, “кўк” инвестицияларни жалб қилиш ва иқлимий ўзгаришларга мослашиш учун тегишли иқтисодий механизмлар яратиш масалалари бўйича қонунчиликни мукамаллаштириш;

- ривожланиш соҳасида режалаштирилаётган тижорат ва бошқа турдаги лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (экологик экспертиза);

- атроф-муҳит ифлосланиши ҳисоби ва ҳисоботи ўлчамлари тизимини мукамаллаштириш;

- табиий бойликлардан фойдаланишни рационаллаштириш билан бирга экологик назорат ва мониторингнинг турғун тизимини яратиш;

- экологик солиқларни такомиллаштириш ва экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан харид қилиш ва “яшил” инвестицияларни амалга ошириш воситасида “яшил”(экологик тоза) технологияларни ривожлантириш учун янги молиявий воситаларни жорий этиш;

- энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланган энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- атроф-муҳит сифатини тиклаш ёки сақлашга ёрдам берадиган янги иш ўринларини яратишга қаратилган иқтисодий соҳаларни ва корхоналарни қўллаб-қувватлашни таъминлаш ва бошқалар.

Марказий Осиёда мавжуд экологик ҳолатни эътиборга олиб, иқлим ўзгариш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳам миллий, ҳам минтақавий даражада фаоллик билан ҳал этилиши лозимлигини тақозо этмоқда.

Марказий Осиё минтақасидаги биргаликда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланишини таъминлаш, минтақада экотизим мониторинги ва экологик жараёнлар башоратларининг самарадорлигини ошириш, минтақадаги мамлакатларнинг минерал ва сув-энергетик ресурслардан фойдаланиш борасидаги манфаатларини таъминловчи ва тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий базани шакллантиришдан иборатдир.

Факатгина узок муддатли, кенг қамровли ва комплекс бошқарув, ҳамда ташқи ўзгарувчан иқтисодий, молиявий ва табиий омилларга тез мослашувчан иқтисодий тизимни шакллантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари, биоэнергия, гидроэлектроэнергияларни ишлаб чиқаришга бўлган ўсиб боровчи талабни қондириш билан бирга биологик хилма-хилликни ва охир-оқибат атроф-муҳитни сақлаб қолишга имкон яратилади.

Янги ривожланиш моделини шаклланиш жараёнида барқарор ривожланиш парадигмасини эволюцияси «яшил» иқтисодиёт концепциясини яратилишига сабабчи бўлди ва жамият ҳамда иқтисодиёт табиат тизимлари билан бирга ҳам оҳанг тарзда бўлиши қайд этила бошланди ¹³.

Маълумки, республикада иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашга ва аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга, ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талаб-эҳтиёжни узлуксиз қаноатлантиришга қаратилган нефть-газ, электр энергетика, кўмир, кимё, қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг узок муддатли стратегияси амалга оширилмоқда.

¹² Deichmann, Uwe, and FanZhang. 2013. Growing Green: The Economic Benefits of Climate Action. World Bank. 2013. <http://documents1.worldbank.org/curated/en/501061468283462662/pdf/Growing-green-the-economic-benefits-of-climate-action.pdf>

¹³ "Наше общее будущее". Доклад Международной комиссии по окружающей среде и развитию (МКОСР): Пер. с англ./Под ред. и с посл. С.А.Евтеева и Р.А.Перелета. - М.: Прогресс, 1989

Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика тармоғининг мавжуд қувватлари энергия ресурсларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжни тўлиқ даражада таъминламайпти, мамлакатимиз иқтисодиётининг энергия сарфи ҳажми ривожланган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқоридир.

Мавжуд ресурсларни ва ишга солинмаган салоҳиятни жалб этиш орқали энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия сарфи ҳажмини кескин камайтириш борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш мақсадида «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 август, ПҚ-4422-сон қарори қабул қилинган¹⁴.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантиришнинг мақсадли параметрларини 1-иловага мувофиқ тасдиқлаш, уларнинг улушини 2030 йилга бориб электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш (2-жадвал).

Энергия истеъмоли самарадорлигини баҳолашнинг шаффофлиги ва холислиги, корхоналарнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш, шунингдек, атмосферага чиқариладиган чиқиндиларни камайтириш мақсадида мамлакатимиз корхоналари ва ташкилотларида энергетика менежменти тизимини халқаро стандартга (ISO 50001) мувофиқ 2019 йил 1 декабрдан 2023 йил 1 январга қадар босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган.

Натижада, ресурсларни, биринчи навбатда молиявий маблағларни минимал даражада сарфлаб энергия истеъмолини бошқариш самарадорлигига эришиш, корхоналар активларининг капиталлашув даражасини ошириш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш имконияти яратилади.

2-жадвал

**Қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш
мақсадли параметрлари**

Т	Кўрсаткичлар номи	Ишлаб чиқариш қувватларини ошириш прогнозла- ри, МВт					Электр энергия- си ишлаб чиқариш улуши, фоиз	
		2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 — 2030 йй.	2018 й.	2030 й.
	Жами	1074,1	886,8	1 61,5	2 061,6	14 017,8	100	100
1	Анъанавий энергетика	1 050	1 807	1 777	2 259,4	10 910,2	90	75
2	<i>Шу жумладан, қув- ватларни фойдала- нишдан чиқариш</i>	-	1 060	320	740	4 280	-	-
33	Қайта тикланувчи энергия манбалари	24,1	119,8	504,5	542,2	7 387,6	10	25
	шундан:							
4	Гидроэнергетика	24,1	119,8	204,5	42,2	1 487,6	10	11,2
5	Қуёш энергетикаси	-	-	300	400	4 300	-	8,8
6	Шамол энергетикаси	-	-	-	100	1 600	-	5

¹⁴ «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 август, ПҚ-4422-сон қарори. <http://lex.uz/docs/4486125>

Манба: «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 август, ПҚ-4422-сон қарори.<http://lex.uz/docs/4486125>

“Яшил” иқтисодиётга ўтишни таъминлаш ва “яшил” ўсишни баҳолаш механизми моделини ишлаб чиқиш доирасида амалга оширилаётган тадбирлар даражаси ва уйғунлигини, улар таъсири кўлами ва чегараларини белгилаб олиш ва эҳтимол тутилган прогноз қилинаётган хавфлар ва эҳтимол тутилган салбий натижалардан (ифлосланиш, экотизим деградацияси) хабардор қилишни ишлаб чиқиш муҳим.

Самарали экологик сиёсатни ва “яшил” ўсишни комплекс баҳолашнинг асосий босқичлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- “яшил” ўсиш экологик самарадорлиги устувор индикаторларини танлаб олиш;

- улар ёрдамида самарадорлик даражасини аниқлаш, бу эса “яшил” ўсиш мақсадларига эришиш йўлида ютуқни кўриш имконини беради;

- мақсадли кўрсаткичларни белгилаб олиш учун самарадорлик кўрсаткичларини таққослаш;

- “яшил” ўсишнинг бош мақсадларини (устувор кўрсаткичларнинг мақсадли кийматларини) аниқлаб олиш.

Экологик йўналтирилган барқарор иқтисодий ривожланишнинг моделни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий самараси деганда тадбирлар мажмуини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга натижаси тушунилади. У қуйидагилар билан ифодаланади:

қурилиш, транспорт соҳасида, қишлоқ хўжалигида экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган инвестиция фаоллигини кучайтириш ҳисобига “яшил” ишлаб чиқариш (экологик тоза технологиялар) ҳажмларини ошириш;

ишлаб чиқариш энергия сифимини камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш ва сув ресурсларининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда йўқотилишини камайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш;

чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича тадбирлар мажмуини амалга ошириш натижасида салбий антропоген таъсирдан аҳоли ва иқтисодиёт объектларининг ҳимояланганлигини ошириш.

“Яшил” иқтисодиётни шакллантириш доирасида экологик хавфлар ва замонавий мослаштириш механизмларини шакллантириш, экологик хавфларни баҳолаш, табиий ва антропоген таъсирлар натижасида атроф муҳит сифатини башоратлаш долзарб масала сифатида қаралиши керак бўлади.

Умуман, экологик хавфсизлик ва энергия самарадорликни ошириш учун тегишли инновацион талабни шакллантириш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган мослашиш (адаптация) механизмини жорий этиш ва атроф муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни қатъиятлаштириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир.